

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 330.332.(322)+012.3


**МАМАЮСУПОВА ДИЛОВАРҲОН БЕГМАТОВНА**

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТУРИСТИК  
САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШ  
(Фарғона вилояти мисолида)**

08.00.13 – Менежмент  
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Эшов Мансур Пўлатович



Тошкент – 2022 йил

1196

001  
M-22

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
<b>I БОБ. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТУРИСТИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
§1.1. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш назарий-услубий асослари ва объектив зарурати.....	13
§1.2. Давлат-хусусий шериклик туризмда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида.....	24
§1.3. Давлат-хусусий шериклиги асосида туризм бизнесини бошқаришнинг асосий тамойиллари.....	33
I боб бўйича хулосалар.....	42
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СИЁСАТИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ</b>	<b>45</b>
§2.1. Давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари.....	45
§2.2. Туризм соҳаси ривожланишини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми.....	57
§2.3. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари	69
§2.4. Туризм фаолиятини ривожланишини бошқаришда ДХШнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш.....	83
II боб бўйича хулосалар .....	93
<b>III БОБ. МИНТАҚАДА ДХШ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА ТУРИСТИК САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....</b>	<b>96</b>
§3.1. Туристик кластерни ташкил қилишда ДХШнинг концептуал асослари	96
§3.2. Минтақаларда туризмни ривожлантиришни бошқаришда ДХШ механизмидан фойдаланишнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш..	105
§3.3. Фарғона вилояти туристик салоҳиятини ривожлантиришни бошқаришнинг истиқбол кўрсаткичлари.....	120
III боб бўйича хулосалар .....	129
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>131</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>134</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>155</b>

## КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодийнинг жадал ва барқарор ўсишини таъминлашда туризм соҳасидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқаро миқёсдаги рақобат жараёнларининг кескинлашуви, пандемия ва глобал даражадаги беқарорлик соҳада жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. «2020 йилда халқаро туризм 72 фоизгача пасайиб, 2019 йилдагига қараганда дунё мамлакатларида 900 млн. сайёҳлар кам қабул қилган ёки 935 млрд. АҚШ доллари миқдорида туризм экспорти даромадлари пасайганини кузатиш мумкин. Бундай пасайиш Осиё-Тинч океани минтақасида 82 фоизни, Яқин Шарқда 73 фоизни ва Африкада 69 фоизни ташкил этган»<sup>1</sup>. Туризм ривожланишини кўллаб-қувватлаш, туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳадаги муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклиги механизмидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда янги туристик хизматларни йўлга қўйиш, туристик салоҳиятни оширишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришда рақамли платформалардан фойдаланиш кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Туризм хизматлари кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш, аҳоли ўртасида туризмни тарғиб қилишнинг инновацион усулларини қўллаш, туристик объектларга инвестицияларни рағбатлантириш, ҳудудлара ва тармоқларда туристик салоҳиятни оширишда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) механизмларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаш ва туристик кластерлар орқали миллий иқтисодий соҳани ривожлантириш устувор тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мамлакат миллий рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш ҳамда

---

<sup>1</sup> <http://www.finmarket.ru/database/news/5378250>